O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... PALATASI
INV.№


# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 20 июль № 151 (3426) Сешанба







# МУЗАФФАР ЭЛНИНГ ҒОЛИБ ФАРЗАНДИ

***Бир ҳафтадан буён юртимизда байрам, хурсандчилик, шодиёна.***

***2004 йил 13 июлни тарихий сана сифатида нафақат бугунги авлод, балки биздан кейин озод ва обод Ватанимиз сарҳадларида умргузаронлик қиладиган неча-неча авлодларимиз ҳам фахр туйғуси билан нишонлаши тайин. Зеро, шу куни ўзбек шахматчиси Рустам Қосимжоновнинг номи дунёга достон бўлди.***

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий 9 ёшида битган байти билан шеърият мулкининг бўлғуси султони эканини аён этгани ёки Заҳириддин Муҳаммад Бобур 12 ёшида салтанат тожини кийгани каби 10 ёшида Ўзбекистон чемпиони, 15 ёшида Осиё қитъаси чемпиони тимсолида ўзини кўрсатган Рустам Қосимжонов бу гал — 24 ёшида ўз билими ва иқтидори билан курраи заминни лол қолдирди.

Рустам ноёб истеъдод соҳиби сифатида миллатдошларимиз орасида ҳали ҳеч ким эришмаган юксак аъмол — Шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди. Агар шахмат оламининг энг нуфузли мусобақаси — жаҳон чемпионати XIX асрдан буён ўтказилаётганини ва ана шу узоқ даврда бу беллашувларда юртимиз ўғлонига қадар атиги 16 нафар хорижлик спортчи жаҳон тожини қўлга кирита олганини назарда тутадиган бўлсак, Рустам Қосимжонов нафақат Ўзбекистоннинг, айни чоғда олти миллиард нафар аҳоли истиқомат қиладиган она сайёрамизнинг ардоқли ва омадли чемпиони экани ойдинлашади.

Холисона айтганда, не-не буюк зотлар учун муқаддас бешик бўлган қадимий заминимизда — айнан ўзбек диёрида туғилиб, камол топган Рустам Қосимжоновнинг жаҳон шахмат тожини қўлга киритгани тасодифий ҳол эмас. Бу музаффарият, аввало, она юртимизда азалдан мавжуд маданий муҳит, юксак тафаккур мактабининг мантиқий ҳосиласидир. Шунинг баробарида, бундай олиймақом натижа истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг ҳар томонлама камолга етиши йўлида барча шарт-шароит ва қулайликлар муҳайё этилганининг яққол самарасидир.

Рустам Қосимжонов ушбу ғалабаси билан ўзининг Беруний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний каби неча-неча буюк сиймоларимизга муносиб ворис эканини кўрсатди. Бу воқелик тимсолида юксак ақл-заковат, мустаҳкам ирода ва шижоат соҳиблари бой тарих ва бетакрор маданиятга, теран маънавий илдизларга эга, ўз аждодларининг бекиёс меросини асраб-авайлаш, муносиб даражада ривожлантиришга интилиб яшаётган халқ орасидан етишиб чиқишидек муқаррар ҳақиқат яна бир бор ўз исботини топди.

Ўзбекистон, ўзбек миллати, Ўзбекистон халқи ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам бўлмаслигини жаҳонаро баралла тараннум этган мард ўғлон куни кеча Ватан тупроғига жаҳон чемпиони бўлиб қадам қўйди.

Шахмат оламида катта обрў-эътибор қозонган юртдошимизнинг мамлакатимизга музаффар қайтиши муносабати билан 17 июль оқшомида пойтахтимиз кўчалари яна байрамона тус олди. Шодиёналар маркази — Тошкент халқаро аэропортида карнай-сурнай садолари янгради. Хушвақт наволарга шўх лапарлару шахдам ва диловар рақслар эш бўлди.

Шижоатли йигитларимиз қўлида юрт байроғи мағрур ҳилпирайди.

Лобар қизларимиз тутган гулдасталардан ифор таралади. Қаҳрамон ўғлонимизни кутиб олишга чиққан минглаб ҳамюртларимизнинг юз-кўзларида ҳаяжон, фахр ва ифтихор туйғулари жилваланади. Юзлаб қўллар кўтарган ранг-баранг матолардаги: "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам!", "Чемпион муборак, Ўзбекистон!", "Ўзбегим ўғлони — жаҳон чемпиони!", "Ўзбекнинг шуҳрати тилларда достон!" каби шиорлар йиғилганларга ғурур ва шодлик улашади.

"Франкфурт-Тошкент" йўналиши бўйлаб парвозга чиққан самолёт ҳали ҳавода эса-да, кутиб олиш майдончаси мўътабар нуронийлар, жажжи фарзандларини етаклаган ота-оналар, шаҳар жамоатчилиги вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ёшлар, спорт жамоалари аъзолари — бўлажак чемпионлар билан гавжум.

Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А.Орипов, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, илм-фан, маданият ва спорт соҳаси намояндалари Рустам Қосимжоновни кутиб олиш учун ҳозир бўлдилар.

Ниҳоят, ўзбек чемпиони муқаддас диёримизга ёруғ юз билан қадам қўйди. Уни ўзбекона урф-одатларимиз билан олқишлаш фурсати етди. Ҳаво кемаси зиналаридан ўктам одимлар билан тушиб келган Рустамнинг эгнига зарбоф сарполар кийгизилди.

Рустам билан самода бирга парвоз қилган ҳамюртларимизнинг айтишича, ҳаво кемасида стюардесса тантанали оҳангда:

"Самолётимизда шахмат бўйича жаҳон чемпиони, навқирон ўзбек ўғлони Рустам Қосимжонов биз билан бирга парвоз қилмоқда!", деб эълон қилган. Шунда чемпионимизни кўрган-билган юртдошларимизу, ўзбек шахматчисини танимаса-да, унинг юксак ғалабасидан хабардор хорижлик йўловчилар бирма-бир қутлашга ошиққан.

Бу қутловлар она заминда давом этди. Ҳар қадамда таҳсину олқишлар, эзгу дуолар, "Болам Рустамжонга ўхшаб чемпион бўлсин!", деган ҳавас ва орзу-ниятлар.

— Рустам бизнинг ғуруримиз, — дейди унинг маҳалладоши Убайдулла Орифжонов. — У илгари ҳам катта ютуқларга эришган, дунёнинг энг илғор шахматчилари билан тенгма-тенг бел олишган. Биз бу йигитнинг интилувчанлиги, одамохунлиги, билимга чанқоқлигидан ҳайратланамиз. Унга ҳаммамиз ҳавас қиламиз ва у эришаётган ютуқлардан фахрланамиз.

— Рустам ҳақиқатан ҳам мақтаса арзигулик йигит, — деб суҳбатга қўшилади Тоҳир Муҳаммадхўжаев. — Мен унинг ўзи ва акаси билан кўп йиллик дўстман. Яхши-ёмон кунларда бирга бўламиз, тўйю маъракаларда ёнма-ён туриб хизмат қиламиз. Рустам жуда банд. бўлишига қарамай, қариндош-уруғ, ёр-биродаридан хабар олиш, ҳол-аҳвол сўрашни канда қилмайди.

— Рустамнинг бир фазилати бизни доим лол қолдириб келади — у жуда тиришқоқ ва ўта меҳнаткаш йигит, — дея суҳбатимизга қўшилади чемпионнинг дўсти Анвар Ғозиев. — Ҳаётда ҳамманинг ҳам катта-кичик орзуси бўлади. Лекин унга етиш учун астойдил интилиш, матонат билан меҳнат қилиш барчанинг ҳам қўлидан келавермайди. Рустам эса шундай — матонатли инсонлардан. У болалигида Гарри Каспаров билан шахматда куч синашишни орзу қиларди. Мана, энди у орзусига етадиган бўлди.

(Давоми 2-бетда).

**Абдулла ОРИПОВ**

## Бирдамлик

**Шахмат бўйича жаҳон чемпиони**
**Рустам Қосимжоновга**

*Пойтахт аэропорти.*
*Гавжум чунон ҳам.*
*Ерга тушмас эди сочсанг тангани,*
*Гўё чиққан эди мамлакат шу дам*
*Чемпион Рустамни қарши олгани.*

*«Балли», «Баракалла» дерди ҳар юртдош,*
*Ҳамма қутлар эди бир-бирин шодон.*
*Менинг кўзларимдан тирқиради ёш,*
*Бизни бирлаштирдинг, раҳмат, Рустамжон!*

**17 июль, 2004 йил**

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг*

## ҚАРОРИ

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш ва Сенатни шакллантириш юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг ҳаракатлар дастури тўғрисида

"Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Қонуннинг 9, 10-моддалари ва Марказий сайлов комиссияси Регламентининг 9, 10, 28-моддаларига асосан Марказий сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш ва Сенатни шакллантириш юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг ҳаракатлар дастури тасдиқлансин.
2. Мазкур дастур тегишли давлат ҳокимият органлари, вазирлик, ташкилотлар, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхона, муассасалар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ижро этиш учун юборилсин.
3. Ушбу дастур бажарилишининг бориши қаттиқ назорат остига олинсин, бу вазифа Марказий сайлов комиссиясининг раиси Б.Мустафоев зиммасига юклатилсин.
4. Мазкур қарор матбуотда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссиясининг раиси**
**Б. МУСТАФОЕВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 17 июль.

# Марказий сайлов комиссияси мажлиси

***Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси Б.Мустафоев бошқарди.***

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш ва Сенатни шакллантириш юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг ҳаракатлар дастури кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Дастур уч босқичдан иборат. Биринчи босқич сайлов кампаниясини ўтказишга тайёргарлик кўришни ўз ичига олади. Ҳозирги кунда биринчи босқич тадбирлари Марказий сайлов комиссияси томонидан амалга оширилмоқда. Тошкент вилояти, Фарғона, Нукус, Жиззах ва Тошкент шаҳарларида сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари вакиллари, халқ таълими тизими ходимлари учун "Ўзбекистон қонунлари ва 2004 йилда демократик сайлов ўтказиш механизмлари тўғрисида" туркум семинар-тренинглар ташкил этилгани бунинг ёрқин далилидир. Бу ишлар изчил давом этмоқда.

Иккинчи босқич Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилишдан сайлов кунига қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Бу масъулиятли вақт мобайнида мамлакат ҳамда вилоятлар ва туманлар миқёсида сайловчилар рўйхатини аниқлаштириш, сайлов округлари ва участкаларини тузиш, округ ва участка сайлов комиссияларининг сифат жиҳатидан таркибини белгилаш, сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан ҳужжатларни қабул қилиш, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатдан ўтказиш, улар учун сайловолди кампаниясида тенг имкониятлар яратиш бўйича катта тайёргарлик ишлари ўтказилиши назарда тутилади.

Учинчи босқич эса сайлов кунидан бошлаб 2005 йил 26 февралгача бўлган даврда амалга оширилиб, парламентга сайлов ўтказиш, унинг натижаларини аниқлаш, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи мажлисларини ўтказишни назарда тутади. Олий Мажлис Сенатига сайлов ўтказиш муҳим тадбирлардан биридир. Шу мақсадда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлислари ўтказилади.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**(ЎзА).**

# Эрон кулолчилик санъати кўргазмаси

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Назокат Усмонова)***

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Халқаро маданият карвон саройида Эрон кулолчилик санъати кўргазмаси очилди.

Кўргазмада эронлик усталар Муҳаммад Маҳдий Анушфар ҳамда Суҳайл Шаъбоний томонидан яратилган юздан зиёд бадиий кулолчилик буюмлари — гулдонлар, қандиллар, кўза ва лаганлар намойиш этилмоқда. Ҳар иккала ҳунарманд маҳаллий ҳамда халқаро миқёсда ўтказилган бадиий кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этган.

Эронлик ҳунармандлар ижодининг ўзига хос жиҳати шундаки, улар сопол буюмларни олтин рангда сирлаш услубидан моҳирона фойдаланади. "Парвоз", "Табиат мажмуи", "Семурғ" каби бадиий композициялар худди шу жиҳати билан томошабинларда айниқса катта қизиқиш уйғотмоқда.

Кўргазмада Эрон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Муҳаммад Фатҳали иштирок этди.

*Фармон ва ижро*

# Қизириққа мактаб кўргани келинг

***Қизириқ туманида қирқ еттита умумий ўрта таълим мактаби бор. Иморати, ҳовлиси, дарахтлари бир-бирига ўхшамаган мактаблар. Лекин, келиб кўришингиз мумкинки, ҳаммаси — обод. Бири бирига ўхшамаган, бири-бирини такрорламаган тарзда обод.***

***Келинг, сизга масалан, 30-мактаб ҳақида гапириб берайлик.***

Мактаб синфхоналарининг унча-мунча уриниброқ қолган ва ҳафсала билан бўяб қўйилган полини кўриб, бу иморат ўттиз йиллар аввал қурилганига ишонасиз. Лекин, 30 сотихча келадиган ҳовлисида дарахтлар сийрак. Ўстирилаётгани ҳам ривож олиб кетмаган. Чунки, мактабнинг ҳовлисига одамлар молларини ҳайдаган. Ҳовлидаги ариқларни ажриқ босган. Гуллар суғорилмаган. Ота-оналар бўлса ҳатто, болаларининг қайси фанга, қайси китобларга қизиқишини суриштириш тугул, уларнинг нечанчи синфда ўқиётганини аниқроқ айтиб беришолмаган.

Мактабдаги бугунги манзара — бошқачароқ. Ўрмон Эгамбердиев деган одам бор. Шу мактаб жойлашган «Янги йўл» номли маҳалла фуқаролар йиғинининг 73 яшар раиси. Ҳалиям зиғир-мойга димланган паловдан бир лаганини еб устидан битта тандир нонни туширадиган одам. Тўртта газетага обунаси бор. Бўш вақт топса, гурунг-гаштакка кўп айланмайди. Китоб ўқийди.

Шу одам газетадан 2004-2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш ҳамда Президентимизнинг фармойишини ўқидию, маҳалла аҳлини бир жойга йиғди. Мактаб ҳамманики, ўзимизники-ку. Болаларимиз нима учун мактаб ҳовлисига ҳайдалган молларга аралашиб юриши керак экан. Мактабни сутга чайгандай тоза-покиза қилиб қўяйлик. Болаларимиздан, нималарни ўқияпсан деб ҳеч бўлмаганда кунига бир марта сўрайлик, деди.

Ва шу куннинг эртасидан у мактабдаги энг катта синфхонани ўз ҳисобидан таъмирлашни бошлади. Ўша синфхонани бориб кўрингда, чертсангиз, девори чинни пиёладай бўлиб жаранглаб кетганга ўхшайди.

Ўрмон аканинг изидан биринчи бўлиб Саидовлар эргашишди. Пўлат Саидов ва унинг рафиқаси Фароғат опа. Икковлариям собиқ ўқитувчи. Ҳозир бўлса нафақада. Ўғил-қизлари уй-жойли бўлиб, ўзларидан ёлчиб кетишган. Нафақадан орттириб улар ҳам бир хонанинг таъмирини зиммаларига олишди.

(Давоми 2-бетда).



### Президентни ёқлайдилар

Боливияда умумхалқ референдуми ўтказилди. Ундан кўзланган мақсад, мамлакатнинг асосий бойлиги ҳисобланган газ экспорти билан шуғулланувчи хорижий компанияларга катта миқдорда солиқ солинишини омма томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш эди. Дастлабки маълумотларга қараганда, 75 фоиз аҳоли мамлакат президенти Карлос Меса ташаббусини тўла ёқлайди.

Ўтган йилнинг октябрь ойида АҚШ ва Мексикага газ экспорти ҳажмини оширишга уриниш қонли қўзғолонга ва президентнинг истеъфога чиқишига сабаб бўлганди.

### Махфий ҳужжат топилди

**Буюк Британиядаги йирик аэропортлардан бири — Хитроуда террорчилик хуружи уюштирилиши эҳтимоли бор. Маҳаллий полиция мазкур тахминни тасдиқловчи махфий ҳужжатни қўлга киритди. Текширув ишлари бошлангандан сўнг "Сан" газетасида махфий ҳужжат чоп этилди. Унга кўра, аэропортга ракета ҳужуми уюштирилиши мумкин экан. Ҳатто, ҳужжатда террорчиликни амалга оширишга тайёргарлик ишлари қайси кундан бошланганлиги ҳам келтирилган.**

### Террорчилар Эронда бўлишган



ФҚБнинг ижрочи директори Жон Маклоклин 2001 йил 11 сентябрда самолётни ўғирлашда иштирок этган саккиз нафар террорчи Эрон ҳудудида бўлганлигини маълум қилди. Бироқ унинг алоҳида тушунтиришича, мазкур маълумот АҚШда амалга оширилган террорчиликда Эрон ҳукумати иштирок этган, дегани эмас.

Айни пайтда расмий Теҳроннинг тан олишича, мамлакат чегараларида назорат кўнгилдагидек бўлмаганлиги боис, террорчилар мамлакатга кириб келган бўлиши мумкин. Ушбу маълумот эълон қилинмасдан олдин, АҚШ матбуоти "Ал-Қоида" аъзолари Эронда эркин ҳаракатланиши учун шароит яратиб берилган, деган айбловлар пайдо бўлган эди.

### Кемалар сабаб

**Жанубий ва Шимолий Корея ҳарбийлари ўртасида музокараларнинг навбатдаги босқичини Сеулда ўтказишга келишилганди. Бироқ Қизил денгизда икки давлатнинг ҳам денгиз флоти кемалари чегараларни бузганлиги учун учрашув бекор қилинди. Бу ҳақда Жанубий Корея Мудофаа вазирлиги хабар тарқатди.**

**Reuters ахборот агентлигининг хабарида айтилишича, учрашувни бекор қилиш тўғрисида дастлаб расмий Пхеньян маълум қилган.**

### Ернинг энг катта сунъий йўлдоши



"Ариан 5" ракетаси Франциянинг Куру космодромидан ниҳоят самога парвоз қилди. Унинг учирилиши маълум сабабларга кўра уч марта қолдирилганди. Ракета дунёдаги энг катта Ернинг сунъий йўлдошини орбитага олиб чиқиши лозим. Ушбу олти тонналик Ер йўлдоши телекоммуникация хизматларини амалга оширади. "Аник Ф2" деб номланувчи мазкур қурилма 48 метр бўлиб, қуёш батареясида ишлайди.

### Элчилар яна қайтишади

**Куба ва Мексика 26 июлда ўз элчиларини алмашишга келишиб олишди. Бу ҳақда икки давлат ташқи ишлар вазирлари Куба пойтахти Гаванада бўлиб ўтган матбуот анжуманида маълум қилишди.**

**Жорий йилнинг май ойи бошларида икки давлатнинг сиёсий қарашларида юзага келган тафовутдан сўнг ҳукуматлар ўз элчиларини чақириб олишганди.**

### Ироқни тарк этмоқда

Ироқдан Филиппин ҳарбий кучлари раҳбари Манилага қайтди. Филиппин ҳукуматининг Ироқдан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги қароридан сўнг у ўз ватанига қайтган дастлабки ҳарбий бўлди. Унинг сўзларига қараганда, ўртача эллик нафар филиппинлик аскарлар ўз уйларига қайтиши кутилмоқда.

Ироқлик жангарилар томонидан филиппинлик ишчи гаровга олингандан сўнг расмий Манила шундай қарорга келди.

# Фаластинда ички можаролар

***Фаластинда ички тартибсизликлар тобора кучайиб бормоқда. Бунга Мухторият етакчиси Ёсир Арофат томонидан ҳукумат таркибига киритилган ўзгартишлар сабаб бўлди.***

Ёсир Арофат ўтган ҳафта мухториятдаги саккизта махсус хизматни учта идора, яъни Миллий полиция, Умумий хавфсизлик хизмати ва разведкага бирлаштирди. Хизматларнинг аввалги раҳбарлари лавозимидан озод қилинди.

Кўпчилик фаластинликлар Ёсир Арофатнинг бундай қароридан норози эканликларини билдиришди. Улар, айниқса, Муса Арофатнинг Умумий хавфсизлик хизмати раҳбари этиб тайинлангани ташвишланаётир. Шу муносабат билан мухториятнинг бир неча ҳудудларида кўпминг кишилик намойишлар бўлиб ўтди. Намойишчилар янги тайинланган раҳбарларни коррупция ва бошқа жиноятларда айблашмоқда. Улар Фаластин етакчисини халқ овозига қулоқ солишга чақиришди.

Намойишчилар якшанба куни Ғазо секторида Муса Арофат раҳбарлик қилаётган идорага қарашли бир-неча бинони ёқиб юборишди.



ФАТХ гуруҳи аъзолари ҳам Ёсир Арофатнинг бундай қароридан норози. Улар агар Фаластин етакчиси талабларини кўриб чиқмаса, ўзлари қонунбузарларни суд қилишини маълум қилишди. Радикал руҳдаги бу гуруҳ аъзолари генерал Муса Арофатни "халқ қўзғолони душмани ва коррупция рамзи" дейишмоқда.

Ҳудудда жангарилар томонидан БМТ вакиллари, бошқа хорижлик фуқаролар ва Фаластин ҳукумати аъзолари ўғирланиши содир бўлди. Лекин улар кейинчалик озод қилинди. Жангарилар шу йўл билан юзага келган вазиятга ўз норозиликларини билдиришди.

Фаластин ҳукуматидаги бундай ўзгаришлардан норози бўлган маъмурият ҳарбий-денгиз полицияси қўмондони Аҳмад Ғолий истеъфога чиқишини билдирди. У мухторият Умумий хавфсизлик хизматига раҳбар этиб тайинланган Муса Арофатнинг қўл остида фаолият юритишга рози эмаслигини айтди.

Мухторият ҳукумат аъзолари ва хорижликларнинг ўғирланиши ҳудудни сиёсий инқироз ёқасига олиб келди. Маъмуриятда фавқулодда вазият эълон қилинди. Бундай ҳолатни "фожиа" деб баҳолаган Фаластин Бош вазири Аҳмад Қураи ҳам истеъфо берди. Лекин Ёсир Арофат унинг истеъфосини қабул қилмади.

"Ал-Ақса фидокорлар бригадаси"нинг 150 нафардан зиёд жангарилари Рафах шаҳридаги ҳарбий разведка штабига ҳужум уюштиришди. Натижада 12 нафардан зиёд киши жабрланди. Қуролли тўқнашувлар давомида "Рейтер" агентлигининг мухбири Аҳмад Ал-Бобо ҳам яраланди.

Умумий хавфсизлик хизмати раҳбари этиб тайинланган Муса Арофат аҳолини тартиб сақлашга чақирди. У бу лавозимга тайинланиши рамзий маъно касб этади ва Ёсир Арофатга хавфсизлик органларини назорат қилишга имконият беради, деган фикрлар ҳақиқатга тўғри эмаслигини қайд этди. Шунингдек, Муса Арофат тайинланган лавозимидан воз кечмаслигини билдирди.

— Мен олий жаноблари, раис Ёсир Арофат тайинлаган лавозимдан истеъфо бермайман, — деди у.

Ҳозирча бундай чиқишларга Ёсир Арофат ўз муносабатини билдиргани йўқ. Аммо кузатувчиларнинг фикрича, бундай вазиятга Фаластин раҳбари зудлик билан аралашмаса, мухториятдаги аҳвол янада оғирлашиши мумкин.

**Сурайё ТУРСУНОВА.**

# ОЛАМ НАФАСИ

## Янгиликлар, воқеалар, далиллар

# ЧЕГАРА БИЛМАС ИЛЛАТ

Жорий йилнинг март ойида Мадридни ларзага солган ва яқинда Истанбул шаҳрида содир этилган қатор террор хуружлари Европа минтақаси халқаро терроризм фаолиятининг асосий нишонига айланаётганидан далолат берди. Шу билан бирга, машъум воқеалар терроризм иқтисодий қашшоқ мамлакатлар заминида илдиз отувчи офат экани, Европанинг иқтисодий тараққиёти ва демократик тамойиллари бу таҳдидга қарши ишончли кафолат бўлиши ҳақидаги баъзи Ғарб сиёсатшуносларининг нуқтаи назарларининг нотўғрилигини кўрсатди.

2001 йилги халқаро аксилтеррор ҳаракатлари натижасида Афғонистондаги «уялар»идан қувилган "Ал-Қоида" ва унга маслакдош террорчи гуруҳлар бугунги кунда Берлин, Мадрид, Лондон, Париж сингари Европа марказларидан ўзлари учун хавфсиз панoҳ топишга уринишмоқда. Таъкидлаш жоизки, ҳозирда Европада истиқомат қилаётган 15 миллионга яқин мусулмоннинг аксариятини муҳожир фуқаролар ташкил этади. Айни пайтда, баъзи Ғарб мутахассисларининг фикрича, европалик мусулмонларнинг кўпчилиги иқтисодий қолоқ ҳудудларда яшаётгани, мавжуд ижтимоий камситишлар ва ишсизлик муаммолари бундай тоифадаги фуқароларнинг "Ал-Қоида" ёлловчилари учун "осон ўлжага" айланишига шароит яратмоқда.

Вашингтондаги Никсон маркази мутахассиси Роберт Леикен "Глобал жиҳод тарқатувчилари: 11 сентябрдан сўнг иммиграция ва миллий хавфсизлик" тадқиқотида қуйидаги далилни келтиради: "2001 йилда Британия тарихидаги энг машъум ирқчилик қўзғолони юз берган Олдэм шаҳрида 220 минг аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 12 фоизини мусулмон фуқаролари ташкил этгани ҳолда мусулмон ёшлари орасидаги ишсизлар сони 20 фоиздан зиёддир".

Франция полициясы маълумотларига кўра, бугунги кунда Парижда фаолият кўрсатаётган 373 та масжиднинг 32 таси экстремист ва радикал қарашдаги мутаассиблар тасарруфи остидадир.

"The Economist" журналининг "Ғарбда ислом" мақоласида таъкидланишича, Европанинг геттолашган жамоалари ташқи назоратдан холи бўлгани боис террорчи гуруҳлар учун қулай бошпана бўлиб хизмат қилмоқда. Бир мақолада таърифланганидек, "халқаро террорчи маҳаллий аҳоли сафига қўшилиб, қиёфасиз ва жим-жит жамоа муҳитида фаолият кўрсатиш мумкинлигини яхши ўзлаштириб олган. Зотан, бундай жамоа унга ишончли қалқон вазифасини ўтайди".

Яқинда Британия полицияси томонидан портловчи моддаларнинг яширин омбори фош этилгани халқаро терроризмнинг Европа қароргоҳлари пайдо бўлгани ҳақидаги фикрларни тасдиқламоқда. Айни пайтда, Париж яқинида 15 нафар шахс, шу жумладан, 2003 йилнинг майидаги Касабланка портлашларини уюштирганликда гумон қилинган 11 марокашлик фуқаро ҳибсга олинди.

Жорий йилнинг июнь ойида эса Бельгияда мусулмон фуқароларини террорчилар сафига ёллаш билан шуғулланган ҳамда Париж метросида террор хуружларини амалга оширишни режалаштирган "марокашлик исломий жангарилар" гуруҳи фош этилиб, унинг 15 нафар аъзоси кирдикорларига чек қўйилди. Бундан ташқари, Милан шаҳрида ушбу террорчи ташкилотга раҳбарлик қилган мисрлик Рабеи Усмон Аҳмад қўлга олинди. У ҳозирда 191 кишининг ҳаётига зомин бўлган Мадриддаги портлашларнинг бош ташкилотчиси сифатида айбланмоқда.

Халқаро террорчи ташкилотлар билан радикал диний уламолар ўртасидаги узвий алоқадорликни яқинда Италияда ҳибсга олинган Флоренция масжиди имоми ва тўрт нафар Тунис фуқароси мисолида ҳам кўриш мумкин. Уларнинг барчаси "Ал-қоида" билан боғлиқ "Ансар ал-ислом" террорчи ташкилоти аъзолари бўлиб, Ироқда террор хуружларини амалга ошириш учун жангарилар ёллаш билан шуғулланганликда айбланмоқда.

Шундай бўлса-да, мутахассисларнинг фикрича, турли мамлакатлар полиция хизматлари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар терроризм ва экстремизм офатининг туб илдизларини қуритиш учун етарли эмас. Бу борада террорчиликка қарши кураш бўйича умумевропа қонунларини қабул қилиш, экстремист фаолиятига алоқадор шахсларни экстрадиция қилиш сиёсатини кенг жорий этиш зарурдир.

Чунончи, бугунги кунда Европа Иттифоқига аъзо аксарият мамлакатлар чегараларининг очиқлиги террорчи гуруҳларнинг бир мамлакатдан иккинчисига эркин кўчиб ўтишига имкон бермоқда. Ваҳоланки, бу давлатлар хавфсизлик хизматлари ўртасида экстремист гуруҳларга оид муҳим ахборотлар алмашуви йўлга қўйилмаган. Шу боис, баъзи мутахассислар Европолнинг аксилтеррор разведка хизматини қайта ислоҳ қилиш ва унинг ўрнига Европа марказий разведка агентлигини ташкил этиш зарурлигини қайд этишмоқда.

Кузатувчилар террорчи ва экстремист гуруҳлар "тегирмонига сув қуяётган" яна бир омил сифатида баъзи Европа мамлакатларидаги дин ва фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунларнинг эскириб қолгани, уларнинг мураккаб замон талабларига жавоб бермаслигига ишора қилишмоқда. Бу каби ўта либерал қонунлар радикал қарашдаги диний уламоларга сўз эркинлиги ниқоби ортида жиҳодга ошкора чорловчи, хунрезлик уруғини сочишга қаратилган ташвиқотларни монесиз олиб боришга, террорчилар сафини кенгайтиришга йўл қўймоқда. Хусусан, 2003 йилда Париж-Майами авиақатновидаги самолётни пойабзалга яширилган бомба воситасида портлатиб юборишга уринган террорчи – Ричард Реид собиқ Лондон масжиди имоми Абу Ҳамзанинг экстремист таълимотидан сабоқ олгани яхши маълум. АҚШ суди мурожаатига биноан яқинда ҳибсга олинган Абу Ҳамза, шунингдек, 1999 йилда Яманда хориж сайёҳларини гаровга олган ва қатл этган каллакесарлар йўлбошчиси сифатида айбланмоқда.

Халқаро терроризмга қарши курашдаги долзарб масалалардан яна бири бу террорчи ва экстремист гуруҳларнинг даромад йўлларини тўсиш, уларнинг молиявий манбалари пайини қирқишдир. "Jane's Intelligence Digest" журналининг 2004 йил апрель сонидаги ахборотга кўра, Чехия полицияси Австрия ва Германия хавфсизлик хизматлари билан ҳамкорликда одамларнинг ноқонуний савдоси билан шуғулланган тўрт кишилик жиноий гуруҳни фош этишга муваффақ бўлди. Маълум бўлишича, бу фаолиятдан тушган даромаднинг асосий қисми "Ал-Қоида" ташкилотини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун сарфланган.

АҚШ Давлат департаменти ҳисоб-китобларига кўра, халқаро миқёсда одамлар савдосидан олинаётган умумий даромад йилига тўққиз миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Табиийки, бу террорчи гуруҳлар учун қурол-яроғ ва гиёҳванд моддалар савдоси, жиноий маблағларни қонунийлаштириб олиш амалиёти билан бир қаторда асосий даромад манбаи бўлиб хизмат қилаётир. Президентимиз таъкидлаганидек, аввало, терроризмнинг молиявий манбаларини йўқ қилиш лозим.

Хулоса шуки, терроризм айрим сиёсатчилар айтаётгандек, камбағал, қашшоқ мамлакатлардагина эмас, ривожланган давлатларда ҳам пайдо бўлмоқда. Террорчи ташкилотлар ўзгариб бораётган вазиятга тез мослашган ҳолда ўз қабиҳ мақсадларини амалга ошириш учун янги усул ва воситалардан фойдаланмоқда. Бинобарин, мавжуд таҳдидларга қарши муносиб жавоб беришнинг ўзи етарли эмас, балки терроризм балосининг олдини олишга йўналтирилган саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва мувофиқлаштириш зарурдир.

**Мардон ЁҚУБОВ,**
**сиёсий шарҳловчи.**

# Хавотир ортда қолди, аммо...

***Португалия яшил майдонларида Европа чемпионати баҳслари ниҳоясига етгач, айни пайтда мухлисларнинг нигоҳи Хитойга қаратилди. Сабаби бу ерда Осиё чемпионати бошланди.***




"С" гуруҳдан жой олган Саудия Арабистони ҳамда Туркманистон вакилларининг учрашуви ҳам ниҳоятда қизиқарли кечди. Туркманлар гол уришни биринчи бўлиб бошлаб берган бўлса-да, араблар ҳам ўзларининг шиддатли ўйинларини кўрсатишди. Улар рақибларининг дарвозасига пенальтидан тўп киритиб, ҳисобни 1:1 га етказишди. Ўйин давомида араб футболчиларининг туркманистонлик ўйинчининг жарима майдончасида йиқитгани қийин вазиятни келтириб чиқарди. Натижада уларнинг дарвозаси томонга ҳам 11 метрлик жарима тўпи белгиланди. "Пахтакор" вакили Гочкули Гочкулиев эса кейинги пайтларда анъана тусини олаётган машҳурларнинг одатига "амал" қилиб пенальтидан гол уролмади. Сен урмасанг, сенга уришади, деган нақл бу ерда ҳам исботланди. Саудия Арабистони вакиллари иккинчи голни уришди. Аммо бундан туркманлар тушкунликка тушишмади. Улар яна ҳужумкор ўйин намойиш этиб, натижани 2:2 га етказишди.

Ушбу гуруҳдан жой олган ҳамюртларимиз эса дастлабки ўйинни Ироқ терма жамоаси билан ўтказишди. Номдор футболчиларимиз таклиф этилган терма жамоамизни Миржалол Қосимов майдонга бошлаб чиққанида, кўпчилик мухлислар: "Хайрият, Миржалол бор экан" дейишган бўлса ажабмас. Имконияти паст деб баҳоланаётган ироқликлар дарвозамиз томон тинимсиз ҳужум қилишига гувоҳ бўлиб, яна ўша оғриқли нуқтамиз — ҳимоя чизиғининг бўшлигидан хавотирга тушдик. Хайриятки, рақиблар бу чизиқни ёриб ўтишган бўлса-да, гол уришолмади.

### Осиё чемпионати

Ўйиннинг 21-дақиқасида омад юртдошларимизга кулиб боқди. Ироқликларнинг вакилларимизга нисбатан қўпол ўйнагани учун ўйинни бошқараётган ҳакам жарима тўпи белгилади. Бу жарима эса Миржалолнинг "нуқтаси" эди. Терма жамоамиз сардори эса бундай жойлар унга ишониб топширилиши бежиз эмаслигини исботлаб, чиройли тарзда гол киритди. Мутахассисларнинг эътирофича, бу гол ҳозирча чемпионатнинг энг чиройли голи бўлиб турибди. Шундан кейин рақиблар ҳам қайта-қайта ҳужум уюштиришларига қарамай, Евгений Софонов қўриқлаётган дарвоза ишғол этилмади. Бу эса ҳамюртларимизнинг ғалабаси ва гуруҳ пешқадамлигини қўлга киритишига сабаб бўлди. Ўзбекистон терма жамоаси навбатдаги учрашувни 22 июлда ўтказади. Ишқилиб, навбатдаги баҳсларда ҳимоя чизиғи панд бермаса бўлгани...

**Мақсуд МИРЗО.**





«TAHOSERVIS-AZIA» МЧЖ
ТАХОГРАФЛАРНИ
таклиф этади.



Тел.: (99890) 187-67-16,
(99897) 119-12-58.
Факс: (99871) 123-98-30.
Битта комплект нархи МАЗ автомашинасига ўрнатиб бериш билан бирга — 590 минг сўм.
ЎРНАТИШ, ТАЪМИРЛАШ, КАЛИБРОВКА, ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ТЎЛИҚ ТЎПЛАМИ.
Товар сертификатланган, хизматлар лицензияланган.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

Vinlad Ҳаётимизни осойишта қиламиз!
Honeywell Security House
ҚЎРИҚЛАШ ВА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ СИГНАЛИЗАЦИЯ УСКУНАЛАРИ
ҚЎРИҚЛАШ УСКУНАЛАРИ
- Назорат панеллари 43160 сўмдан бошлаб
- Пассив-инфрақизил детекторлар 4400 сўмдан бошлаб
- Ойна синиши детекторлари 4210 сўмдан бошлаб
- Қўш технологияли детекторлар 11000 сўмдан бошлаб
ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ УСКУНАЛАРИ
- Назорат панеллари 14000 сўмдан бошлаб
- Иссиқлик детекторлари 15921 сўмдан бошлаб
- Тутун детекторлари 81100 сўмдан бошлаб
ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН
Параметрни қўриқлаш тизимлари, телекузатув, кириш йўли назорати, қўриқлаш ва ёнғин хавфсизлиги ускуналари, аудио ва видеодомофонлар, UPS, металл детекторлари ва бошқа ускуналар.
Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.
Тел.: (998 712) 50-99-13, 50-46-13. Тел./факс: (998 71) 120-66-01.
e-mail: vinlad@sarkor.uz; vinlad@vinlad.com
www.vinlad.com




ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА.
МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!
«ЎЗБЕКИСТОН»
ДАМ ОЛИШ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
сизларни Кисловодск, Ялта шаҳарларида жойлашган «Ўзбекистон» дам олиш-соғломлаштириш сиҳатгоҳларида ва «Қибрай» санаторийсида ҳордиқ чиқариб, соғлиғингизни тиклаб олишингизни таклиф қилади.



Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, С.Азимов кўчаси, 65-уй.
Мурожаат учун телефонлар: «Ўзбекистон» санаторийлари бўйича: 133-55-18, 132-13-67, 133-64-92.
«Қибрай» санаторийси бўйича: 133-59-27.
WEB-сайт: http://uzbekiston.atm.uz. E-mail: AOUZB@rol.uz

BANK
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!



***Ҳақиқий шифокор ўз фаолияти давомида турли хасталикларга қарши курашиш билан бирга даволашнинг янги усуллари, ҳатто ўз соҳа йўналишига оид янги асбоб-ускуна яратиш устида ҳам изланади. Фарғона вилоятидаги бир қатор жарроҳлар фаолияти бунга мисол бўла олади. Уларнинг изланишлари натижаси Республика Давлат патент идораси томонидан юқори баҳоланиб, ихтиро сифатида патент билан тасдиқланмоқда.***

# ШИФОКОРЛИК — ДАВОЛАШГИНА ЭМАС...

*Тиббиёт изланишлари*

Республика Тез тиббий ёрдам илмий марказининг Фарғона вилояти филиали, Давлат патент идораси, вилоят ҳокимлиги қошидаги фан ва техника маркази томонидан ташкил этилган семинарда бу фикр яна бир бор ўз исботини топди.

Руҳий жиҳатдан тайёрланмаган киши филиалнинг жарроҳлик маркази фаолиятини акс эттирувчи фотосуратларга хотиржам қараши мушкул: ёш йигитнинг болдиридан синиб кетган оёғи, ёш боланинг хамир қоргич аппарат чайнаб кетган қўли, автомобиль ҳалокати туфайли ёрилиб кетган ўпка ва уйқу артерияси...

Кейинчалик даволаш жараёни якунида олинган суратларни кўриб кўзингиз ишонмайди: мана бу автоҳалокат сабабли оёғи танасидан узилган йигит. У ўта нозик операциядан сўнг ўша оёғида тик турибди, ҳатто аста-секин юра бошлаяпти... Кичкина қизча қўғирчоқ ўйнаб ўтирибди. Яқинда унинг эзилиб кетган бармоқларини жарроҳлар битталаб териб, асаб толаларини улаб тикишган эди... Мана бу кишининг ҳамма бармоқларини сақлаб қолиш имкони бўлмаса-да, энг муҳими, қўли қайта ишлаб кетди.

Баъзан 6—12 соатлаб давом этадиган бундай ўта мураккаб операциялар 2002 йилда республикада йилнинг энг яхши жарроҳи деб тан олинган нейрожарроҳлар Баҳодир Усмонов ва Жаҳонгир Усмоновлар раҳбарлигида амалга оширилади.

— Кўриб турибсизки, жарроҳларимизнинг касб маҳорати талаб даражасида, — дея таъкидлайди, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори Ф.Йўлдошев. — Масалан, ҳозир кардиология соҳасида биз қўллаётган даволаш услуби орқали минтақада миокард инфаркти туфайли ўлим даражаси 70 фоизга камайди. Минтақада буйрак хасталиги кенг тарқалганини ҳисобга олган ҳолда урология марказини энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш биз учун жуда муҳим эди. Бу вазифа тўлиқ амалга оширилди. Вилоят шифохоналарида суяк-пластик реконструкцияси, нейрохирургия, томирларни протезлаш ва тиббиётнинг бошқа кўплаб йўналиши бўйича 40га яқин янги ташхис ва даволаш услуби жорий этилди. Қўқонда фаолият юритаётган Республика стоматология имплантация маркази доимий равишда янги усуллар устида иш олиб бормоқда ва самарали натижаларга эришаяпти.

Албатта, шифокор ўз соҳасига оид жаҳон миқёсидаги янгиликлардан хабардор бўлиши, ўзи ҳам изланиши керак. Тиббиётда патент олишга лойиқ ихтиро яратиш эса осон иш эмас. Бунинг учун алоҳида қобилият, чуқур билим талаб этилади. Ўз соҳасининг билимдонлари доимо рағбатлантирилиши, уларнинг изланишлари интеллектуал мулк сифатида муҳофаза қилиниши лозим.

Фарғонада бундай ишлар амалда кам эмас. Масалан, Стоматология имплантацияси республика маркази директори Б.Мансуров ўз ихтиролари учун 5 та патентга эга. Ҳозирда мазкур марказ базасида ва минтақадаги бошқа даволаш муассасаларида худди шундай 17 та ихтиролар рўйхатга олинган.

Ҳар бир иқтидорли шифокорнинг интеллектуал мулки қонун билан ҳимояланиши уларни янги изланишлар сари ундайди. Бундай изланишлари самараси ўлароқ юзага келган ихтиролар эса энг катта бойлигимиз — соғлиғимизни мустаҳкамлаш, турли касалликларга қарши курашда асосий таянч бўлиб қолаверади.

**Рустам БОЙТЎРА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## *Олис қишлоқларга «Тез ёрдам» машиналари*

Фарғона вилоятининг аксарият туманлари ҳудуди Қурама ва Қатрон тоғ этакларига туташиб кетган. Сўх тумани ва Шоҳимардон қишлоғи эса тоғлар оралиғида жойлашган. Ана шу тоғли ҳудудларда қишлоқ аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатишда Россияда ишлаб чиқарилган "УАЗ" русумли тез ёрдам машиналари қўл келади.

"Саломатлик" дастурига биноан Жаҳон банки ажратган маблағ ҳисобига 10 та ана шундай машиналар сотиб олинди. Уларнинг барчаси олис қишлоқларда бунёд этилган врачлик пунктлари ихтиёрига берилди.

**Набижон СОБИР,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

---

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят судининг раиси Абдурасул Эрановга падари бузруквори
**Абдуғоппор ота ИРАНОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

М. Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти жамоаси Ўзбекистон халқ артисти Шуҳрат Аббасовга укаси
**Ҳислат АББАСОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

---

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети жамоаси университет ходими Муҳаббат Исломовага турмуш ўртоғи
**Исоқжон СОЛИЖОНОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

«Асклепий» фармацевтик компанияси жамоаси «Фармед» компаниясининг бош директори Дилором Тошмуҳамедовага падари бузруквори
**РАСУЛ ҳожи отанинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

Ҳ. Ҳ. Ниёзий номидаги Республика мусиқа коллежи жамоаси анъанавий ижрочилик бўлими мудири Абдураҳим Муҳамедовга онаси
**Озода МУҲАМЕДОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---


## ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

### ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17 апрель 2003 йилдаги 185-сонли қарорига мувофиқ, «ФИНАМ» (Россия) инвестицион компаниясини молиявий маслаҳатчи сифатида жалб этган ҳолда*

**«ОНИКС» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 29,9% АКЦИЯЛАРИНИ СОТИШ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТЕНДЕР**

*ўтказилишини эълон қилади.*

«ОНИКС» ОАЖнинг корхона томонидан чиқарилган барча акцияларининг 29,9%ни ташкил этувчи 39 504 (ўттиз тўққиз минг беш юз тўрт) дона эгасининг номи ёзиладиган оддий акциялари сотувга қўйилади. Акцияларнинг бошланғич баҳоси – 1 036 970 (бир миллион ўттиз олти минг тўққиз юз етмиш) АҚШ доллари. «ОНИКС» ОАЖнинг 29,9% акцияларига энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларни ўз зиммасига олишга тайёр бўлган компания устунликка эга бўлади. Шу билан бирга, мазкур тендернинг ғолиби деб топилган тендер иштирокчисига эмитентнинг 14,5%, баҳоси 502 879 (беш юз икки минг саккиз юз етмиш тўққиз) АҚШ долларини ташкил этувчи акциялар пакети сотиб олиш учун таклиф этилади ва бу пакетнинг сотилиши корхона билан алоҳида равишда олди-сотди шартномасини тузиш йўли билан амалга оширилади.

«ОНИКС» ОАЖ Тошкент шаҳрида жойлашган. Корхона 1948 йилда электрон техника ва биллур маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона сифатида қурилган эди. «ОНИКС» ОАЖ Макркazий Осиё ҳудудида биллур маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ягона корхона ҳисобланади. Шу билан бирга корхонада нодир металлар билан қопланган биллур ва шиша ёритиш техникаси анжомлари ишлаб чиқарилади. Маҳсулотлар ўзининг кимёвий таркиби ва сифати билан халқаро стандарт талабларига жавоб беради.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда маҳфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан қўйида келтирилган манзилгоҳларнинг бирига мурожаат этиш мумкин.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари, тендер таклифининг шакли ва акцияларни сотиб олиш шартномаси лойиҳасини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

**Тендер ҳужжатларини сотиб олиш муддати 2004 йил 15 августда тугайди.**
**Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2004 йил 15 сентябрда тугайди.**
**Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзиллар бўйича мурожаат этишингизни сўраймиз:**

**Давлат мулки қўмитаси ишчи органи:**

**Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси,**
**Ўзбекистон Республикаси,**
**Тошкент шаҳри, 700003,**
**Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй,**
**Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават.**

**Эътиборига:**
**Улуғбек Каримович Вахабов,**
**бош директор.**
**Телефон: +998 (71) 139-22-51.**
**Факс: +998 (71) 139-22-79.**
**Эл. почта: ccpbuz@mail.tps.uz**

**Молиявий маслаҳатчи:**

**«ФИНАМ» инвестицион компанияси,**
**Россия Федерацияси,**
**Москва шаҳри, 101000,**
**Мясницкая кўчаси, 26-уй.**

**Эътиборига:**
**Александр Николаевич Фоминцев,**
**маслаҳатчи.**
**Телефон: +7 (095) 204 8140.**
**Факс: +7 (095) 204 8107.**
**Эл. почта: fomintsev@finam.ru**
**fominick@freemail.ru**

9501-1R/1662



## INVITATION TO TENDER

### STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF THE STATE ASSETS TO THE FOREIGN INVESTORS

*based on the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan #185 dated April 17, 2003 and with the participation of the investment company FINAM (Russia) as the Financial Advisor, hereby announces*

**the Open Tender for Privatization Sale of the 29,9% Share Package of the Joint Stock Company "ONIX"**

39 504 (thirty nine thousand five hundred four) shares of common stock of the JSC "ONIX" constituting the aggregate of 29,9% of the Company's total issued shares being offered for sale. Starting bidding price for the said package of shares is not less than 1 036 970 (one million thirty six thousand nine hundred seventy) US Dollars. At that, the preference will be given to the company ready to offer the highest bid for the 29,9% of shares of the Company and to take upon investment obligations. Simultaneously, 14,5% shares of the issuer, constituting 502 879 (five hundred two thousand eight hundred seventy nine) US Dollars to be purchased by the winner of the current tender through concluding a separate contract with the Enterprise.

The JSC "ONIX" is located in Tashkent city. The company was founded in 1948 as the enterprise specializing in manufacturing electronic and crystal/cut-glass wares. JSC "ONIX" is the unique enterprise in the Central Asia manufacturing cut-glass wares. Furthermore, the Enterprise produces lighting wares from crystal and glass coated with the precious metals. With respect to chemical characteristics and consumption quality, the products meet international standards.

Investors interested in participating in the tender shall first submit a properly completed and signed Application for participation and Confidentiality Statement. With the inquiries please contact one of the addresses indicated below.

The Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form and Draft Share Purchase Agreement can be obtained upon payment made for it, by presenting to Case-by-Case Privatization Bureau the completed and signed Application and Confidentiality Statement together with a copy of the document confirming the payment effected.

**The Tender Documentation can be purchased till the date of August 15, 2004.**
**The Bid Submission Deadline is September 15, 2004.**

**For all issues related to the tender, please contact:**

**The Work Body of the State Property Committee:**

**CCPB, Case-by-Case Privatization Bureau**
**State Property Committee Bldg., 17th Floor**
**Uzbekistanskaya str. 55**
**700003 Tashkent, Uzbekistan**

**Attention: Mr. Ulugbek Vahabov**
**Director General**
**Telephone: +998 (71) 139 22 51**
**Fax: +998 (71) 139 22 79**
**Email: ccpbuz@mail.tps.uz**

**Financial Adviser:**

**Investment company "FINAM"**
**26, Myasnickaya str., Moscow,**
**Russian Federation, 101000**

**Attention: Mr. Fomintsev Alexander**
**Consultant**
**Telephone: +7 (095) 204 8140**
**Fax: +7 (095) 204 8107**
**Email: fomintsev@finam.ru**
**fominick@freemail.ru**

9501-2R/1662



## ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

### ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17 апрель 2003 йилдаги 185-сонли қарорига мувофиқ, Maxwell Stamp PLC компаниясини молиявий маслаҳатчи сифатида жалб этган ҳолда*

**«АММОФОС» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 51 % АКЦИЯЛАРИНИ СОТИШ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТЕНДЕР**

*ўтказилишини эълон қилади.*

«Аммофос» ОАЖнинг корхона томонидан чиқарилган барча акцияларнинг 51%ни ташкил этувчи 503 815 (беш юз уч минг саккиз юз ўн беш) дона эгасининг номи ёзиладиган оддий акциялар сотувга қўйилади. Акцияларнинг бошланғич баҳоси – 18 870 000 (ўн саккиз миллион саккиз юз етмиш минг) АҚШ доллари. «Аммофос» ОАЖнинг 51% акцияларига энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларни ўз зиммасига олишга тайёр бўлган компания устунликка эга бўлади.

«Аммофос» ОАЖ Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳрида жойлашган. Корхона 1969 йилда ишга туширилган. «Аммофос» ОАЖ Ўзбекистон Республикасида энг йирик азот-фосфор минерал ўғитларини ишлаб чиқарувчи корхона бўлиб, республика қишлоқ хўжалигининг фосфор ўғитларга бўлган эҳтиёжининг 85 фоизини қондиради.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилларнинг бирига мурожаат этиш мумкин.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари, тендер таклифининг шакли ва акцияларни сотиб олиш шартномаси лойиҳасини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

**Тендер ҳужжатларини сотиб олиш муддати 2004 йил 15 августда тугайди.**
**Тендер таклифларни қабул қилиш муддати 2004 йил 15 сентябрда тугайди.**
**Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат этишингизни сўраймиз:**

**Давлат мулки қўмитаси ишчи органи:**
**Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси,**
**Ўзбекистон Республикаси,**
**Тошкент шаҳри, 700003,**
**Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй,**
**Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават**

**Эътиборига:**
**Улуғбек Каримович Ваҳабов,**
**бош директор**
**Телефон: +998 (71) 139-22-51.**
**Факс: +998 (71) 139-22-79.**
**Эл. почта: ccpbuz@mail.tps.uz**

**Молиявий маслаҳатчи:**
**Maxwell Stamp PLC,**
**Буюк Британия, Лондон EC1R 3AX**
**Abbot's Court**
**34, Farington Lane**

**Эътиборига:**
**Ричард Китчен,**
**директор**
**Телефон: +44 (20) 72510147.**
**Факс: +44 (20) 72510140.**
**Эл. почта: rkitchen@maxwellstamp.com**

9502-1R/1661



## INVITATION TO TENDER

### STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF THE STATE ASSETS TO THE FOREIGN INVESTORS

*based on the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan #185 dated April 17, 2003 and with the participation of the Maxwell Stamp PLC (Great Britain) as the Financial Advisor, hereby announces*

**the Open Tender for Privatization Sale of the 51% Share Package of the Joint Stock Company "AMMOPHOS"**

503 815 (five hundred three thousand eight hundred fifteen) shares of common stock of JSC "Ammophos" constituting the aggregate of 51% of the Company's total issued shares are being offered for sale. Starting bidding price for the said package of shares is not less than 18 870 000 (eighteen million eight hundred seventy thousand) US Dollars. At that, the preference will be given to the company ready to offer the highest bid for the 51% of shares of the Company and to take upon investment obligations.

JSC "Ammophos" is located in Almalyk city, Tashkent region. It began its operation in 1969. JSC "Ammophos" is the largest nitrogenous phosphate mineral fertilizers producer in Uzbekistan, which provide 85% of agriculture demand of Uzbekistan for phosphate fertilizers.

Investors interested in participating in the tender shall first submit a properly completed and signed Application for participation and Confidentiality Statement. With the inquiries please contact one of the addresses indicated below.

The Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form and Draft Share Purchase Agreement can be obtained upon payment made for it, by presenting to Case-by-Case Privatization Bureau the completed and signed Application and Confidentiality Statement together with a copy of the document confirming the payment effected.

**The Tender Documentation can be purchased till the date of August 15, 2004.**
**The Bid Submission Deadline is September 15, 2004.**

**For all issues related to the tender, please contact:**

**The Work Body of the State Property Committee:**

**CCPB, Case-by-Case Privatization Bureau**
**State Property Committee Bldg.,**
**17th Floor**
**Uzbekistanskaya Str. 55**
**700003 Tashkent, Uzbekistan**

**Attention:**
**Mr. Ulugbek Vahabov**
**Director General**
**Telephone: +998 (71) 139 22 51**
**Fax: +998 (71) 139 22 79**
**Email: ccpbuz@mail.tps.uz**

**The Financial Advisor:**

**Maxwell Stamp PLC**
**Abbot's Court**
**34 Farringdon Lane,**
**London EC1R 3AX**
**United Kingdom**

**Attention:**
**Mr. Richard Kitchen**
**Director**
**Telephone: (44 (0) 20) 7251 0147**
**Fax: (44 (0) 20) 7251 0140**
**E-mail: rkitchen@maxwellstamp.com**

9502-2R/1661



**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —869, 22202 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[т]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Санаев.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 1 3456